

## БОЛА ШАХСИНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ПСИХОЛОГИК ШАКЛЛАНИШИ

Есбергенова Зухра Турдимуратовна

*амалиётчи психолог, Қанликул тумани*

Бугунги замон инсонни мустақил фикрловчи шахс сифатида ҳар бир сонияда ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза юритиб, ўзи учун хулосалар чиқаришга мажбур этмоқда. Яъни, бу чексиз оламда биз ўзимизни ўзгаларсиз, ўз манфатларимизни ўзгалар манфаатсиз тасаввур қила олмаганимиз учун ҳам ижтимоий ва шахс психологияси фанларини билишга мажбурмиз. Зеро, мустақил давлатимизнинг сиёсати Инсон манфаатини ҳимоя қилиш, унинг учун муносиб турмуш тарзини яратиш экан, бу ишларни амалга ошириш учун бўлғуси мутахассис, педагог-ўқитувчи ижтимоий борлиқ қонуниятларини билиши ва ундан маромида фойданиб, турмуш нормаларига бўйсунган ҳолда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, фуқаролик бурчини адо этишга тайёр бўлиши керак.

Шахс бу маълум бир ижтимоий тизимнинг аъзоси ҳисобланган онгли одам назарда тутилади. Шахс тушунчаси одамнинг ижтимоий хусусиятлари ва сифатларин; сўз, онг-фикр, ақл-идрок, кўникма, малака, одат ва бошқаларни ўз ишига қамраб олади, одамнинг ижтимоий маъносини сифатлайди. Ўз ҳаётида ижтимоий хусусиятлар билан сифатларнинг маълум таркибини эгаллашини кўрсатади. Шунинг учун ҳам чақолоқни, ақли заифни шахс деб аташ мумкин эмас. Шунингдек шахс ривожланиш билан шаклланишнинг мураккаб, қарама-қаршиликлари, узликсиз силлиқ бўлмаган йўллари босиб ўтади. Инсоннинг шахсий сифатлари бутун ўмири давомида тараққий этиб боради ва шаклланади. Яъни педагог ривожланиш қандай, ишки ва ташқи, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган омиллар таъсирида бўлишини ва у факторлар тарбия билан бирга қандай боғлиқлари, тарбиянинг ривожланишига таъсир кўрсатиш имкониятлари ва доираларини билиши жуда муҳим.

Психология фанида инсон зотиغا хослик масаласи **индивид** (лотинча *individ* ажралмас, алоҳида зот деган маъно англатади), шахс, индивидуаллик (яккаҳоллик) тушунчалари орқали акс этирилади. Катта ёшдаги руҳий соғлом (эси-хуши жойида) одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ, оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган ақли заифлар ҳам индивидлар деб аталади. Бироқ булардан биринчисинигина шахс деб аташ анъана тусига кириб қолган, чунки ўша зотгина ижтимоий мавжудод, ижтимоий муносабатлар маҳсули, ижтимоий тараққиётнинг фаол қатнашчиси бўла олади. Индивид сифатида ёруғ дунёга келган одам ижтимоий муҳит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Илк болалик чоғиданоқ индивид муайян ижтимоий муносабатлар тизими доирасига тортилади, бундай шахслараро муносабатлар тарзи тарихий шаклланган бўлиб, у ёшлигиданоқ шу тайёр (аждодлар яратган) ижтимоий муносабат, муомала, мулоқот тизими билан таниша боради. Ижтимоий қуршов (оила аъзолари, маҳалла аҳли,

жамоатчилик, ишлаб чиқариш жамоаси), ижтимоий гуруҳ ичида (кишиларнинг оғушида, уларнинг қалб тўрисида) одамнинг бундан кейинги ривожланиши уни шахс сифатида шакллантирувчи, унинг онги ва иродасининг хусусиятларига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳар хил хусусиятли муносабатлар мажмуасини вужудга келтиради.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири-бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккаҳоллигидир. *Индивидуаллик* деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу қабилар киради. Психик хусусиятларнинг бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс эттирувчи инсон мавжуд эмас. Масалан, яқин одамдан айрилганлиги қайғу-алам, унинг билан бирга эса ҳаётда тиклаб бўлмовчи ва бошқаларда такрорланувчи фазилатлар мураккаб воқеликнинг мангуликка йўналиши билан изоҳлаш мумкин. Шахс ўзининг кадр-қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ва тарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол, бетакрор олий зотдир.

Болаларда шахс сифатлари 1-3 ёшлар оралиғида кўрина бошлайди. Бу давр яъний боғчагача ва мактабгача давр ҳисобланади. Боғча ёшидаги болалар шахсининг психологик шаклланишига кўра, бу даврни уч босқичга ажиратиш мумкин:

**-биринчи давр** – бу 3-4 ёш оралиғида бўлиб бол эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир:

**-иккинчи давр** – бу 4-5 ёшни ташкил қилиб ахлоқий ўз-ўзини бошқариш:

**-учинчи давр**– эса шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятининг шаклланиши билан характерланади.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қатъийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи сифатида уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибийбалар асосан мулоқат, кузатиш, тақлид қилиш жараёнида шунингдек катталарнинг айниқса, оналарнинг мақтови ва танқидлари таъсирда ўтади ва мустаҳкамланади. Бола доимо баҳо айниқса мақтов олишга ҳаракат қилади. Бу баҳо ва мақтовлар боланинг муваффақиятига эришишга бўлган ҳаракатларининг ривожланишида шунингдек унинг шахсий ҳаёти ҳамда унинг касб танлашида аҳамияти жуда каттадир.

Боғча ёшидаги даврда болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади. У шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари –бу болани ташвишга солаётган ички муаммолари билан боғлиқ, ишбилармонлик мотивлари эса у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста-секинлик билан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан боғлиқ бўлган ўқишмотивлари қўйилади. Бу мотив илк болалик давридан бошланиб, юзага келадиган

болаларнинг табиий қизиқувчанлиги ўрнида пайдо бўлади. Ўзини намоён қилиш мотивлари ҳам бу ёшда яққол намоён бўлади. Бу мотив асосан болаларнинг сюжетли –ролли ўйинларда асосий ролни эгаллашга, бошқалар устидан раҳбарлик қилишга, мусобақага киришишга кўриқмаслигида, нима бўлганида ҳам ютишга ҳаракат қилишларида кўринади. Мактабгача ёш даври болалари учун катталар берадиган баҳолари жуда муҳим. Болалар биринчи навбатда маънавий ахлоқ меъёр ва қоидаларини, ўз мажбуриятларига муносабат, кун тартибига рия этиш, ҳайвон ва нарсалар билан муомала қилиш меъёрини эгаллайдилар. Бундай меъёрларни эгаллаш бу ёшдаги болалар учун қийин ҳисобланиб, уларни яхши ўзлаштириши учун сюжетли-ролли ўйинлар ёрдам бериши мумкин. Боғча ёшининг охирларига келиб, кўпчилик болаларда аниқ ахлоқий қарашлар таркиб топади, шунингдек, одамларга муносабат билан боғлиқ бўлган шахсий сифатлар ҳам шаклланади. Кишиларга нисбатан диққат-эътибор, меҳрибон бўлиши хусусиятидир. Катта ёшдаги болалар кўп ҳолларда ўз-хатти ҳаракатлари сабабларини тушунтириб бера оладилар.

3-4 ёшлар оралиғида ўзларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига ўз муносабатларини билдирадилар ва бу муносабат, асосан уларнинг ўзларига берадиган баҳолари асосида шаклланади. 4 ёшли болалар эса ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар. Ўз-ўзини англаш лаёқати катта боғча ёшидан ривожланиб, аввал у қандай бўлганини ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қилади. Бу эса болалар берадиган “мен кичкина пайтимда қандай бўлган эдим?”, “мен катта бўлганимда қандай бўламан?” сингари саволларида кўринади. Келажак ҳақида фикр юритиб, болалалар келгусида кучли, жасур, ақлли ва бошқа қимматли инсоний фазилатлари эга бўлишига ҳаракат қиладилар.

Кичик ва ўрта боғча ёшида болалар характерининг шаклланиши давом этади. У асосан болаларнинг катталар характерини кузатишлари асосида таркиб топади. Шу йиллардан бошлаб, болада аҳамиятли ҳисобланган –ирода, мустақиллик ва ташаббускорлик каби аҳамиятли шахсий хусусиятлар ривожлана болади. Катта боғча ёшида бола атрофидаги одамлар билан турли фаолиятларда мулоқат ва муносабатларга киришишга ўргана бошлайди. Бу эса унга келажакда одамлар билан мулоқатга кириша олишида, иш бўйича ва шахсий муносабатларни самарали ўрната олишида фойда келтиради. Бу ёшдаги болалар шахсининг шаклланишида уларнинг ота-оналари ҳақидаги фикрлари ва уларга берадиган баҳолари ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг шахс сифати белгиларинан асосийси бўлган ахлоқий ҳиссиётлардан бурч ҳисси –“нима яхши-ю”. “нима ёмон” лигини англашлари билан уларнинг ахлоқий тасаввурлари орасида боғлиқлик бор. Катта одамлар томонидан буюрилган бирон топшириқни бажарганларида мамнунлик, шодлик тўйғулари пайдо бўлса, бирон тартиб қойдани бузиб қўйганларида хафалик таъби

хиралик ҳисси туғилади. Боғча ёшидаги болаларда маънавий ҳиссиётлардан ўртоқлик, дўстлик ва жамоатчилик ҳислари ҳам юзага кела бошлайди. Боланинг боғча ёшидаги даврида эстетик ҳиссиётлари ҳисларнинг намоён бўлишини, айниқса уларнинг чиройли, янги кийим-бош кийганларида жуда яққол кўриш мумкин.

Умуман олганда, бола шахсининг шаклланишида, айниқса, эндигина ҳаётга кадам қўйиб келаётган болаларнинг онгига улар билан мулоқат, муомала ўйин ва ўқув фаолияти жараёнида шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари лозим.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Э.Ғозиев Ёш даврлар психологияси. Тошкент. «Ўқитувчи нашриёти»1994.
2. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога в образовании: Учебное пособие.—М. :Владос, 1996.
3. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология:Маърузаларматни -ТДИУ, 2005.
4. В.Каримова, О.Ҳайитов, Шахнинг ижтимоийлашув муаммоси»ўқув қўлланма.Тошкент – 2007.